

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 15 июн жума
Сотувда эркин нархда
№ 117 (2679)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

ЎЗБЕКISTON — «ШАНХАЙ ФОРУМИ» АЪЗОСИ

14 июн, ШАНХАЙ. ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Исрол Каримов «Шанхай бешлиги»нинг олий даражадаги учрашувида қатнашиш учун 14 июн кунин Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрига келди.

Шанхай саммитига ташриф буюрган олти мамлакат давлат раҳбарлари «Шанхай Сицзяо» меҳмонхонасига йиғилди. Бу ерда Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари Ўзбекистоннинг «Шанхай форуми»га тўла ҳуқуқли аъзо бўлиши тўғрисидаги қўшма баёнотни имзолади. Ўзбекистоннинг тузилма фаолиятида тенг ҳуқуқли иштироки, дейилади баёнотда, Шанхайда 1996 йилда ва Москвада 1997 йилда имзоланган ҳарбий соҳада ҳамда чегара туманларида қуролли кучларни қисқартириш борасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаш,

шунингдек, аъзо давлатлар раҳбарлари ўртасида эришилган бошқа шартнома-ларда ўз аксини топган тасмайлларга амал қилишини кўзда тутди. Ушбу тасмайллар «Шанхай форуми» аъзоларининг ўзаро муносабатлари асосини белгилайди.

Шу ўринда масаланинг бир жиҳатида эътиборни қаратмоқчимиз.

Гап иқтисодий, сиёсат, ижтимоий соҳа ё хавфсизлик, нима ҳақда бо-ришдан қатъи назар, Марказий Осиёда муҳим ўрин тутувчи Ўзбекистонсиз 1996 йилда асос солинган «Шанхай бешлиги» мукамаллик касб эта олиши қийин эди. Мамлакатимиз бу тузилмага аъзо бўлган уч мамлакат — Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистон билан бевосита чегаралош. Улар билан иқтисодий ришталар, сиёсий ҳамжиҳатлик, ижтимоий алоқалар азалийдир. Бундан ташқари, Президентимиз таъкидлаганидек, 50 миллионлик нуфусга эга

Марказий Осиё аҳолисининг ярми Ўзбекистонда яшайди. Қолаверса, Россия ва Хитой мамлакатимизни ўзининг стратегик ҳамкори санайди. Шундай экан, Ўзбекистоннинг мазкур тузилмага қўшилиши, биринчи навбатда, фаолият кўлами кенгайтирган, ўзининг янги ривожланиш палласига киратган «Шанхай форуми» учун муҳим ва фойдалидир.

Тузилмага янги аъзо қабул қилиниши ҳамда фаолият доираси кенгайтириш муносабати билан унинг номини ҳам ўзгартириш — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти деб аташ мўлжалланмоқда. Ўзбекистон Қозғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон билан бир қаторда, янги бир-лашма таъсисчиларидан бири бўлиш ва улар билан биргаликда Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузиш тўғрисидаги декларация ҳамда террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги

Шанхай конвенциясини имзолашга тайёргилини билдирди.


Бу ҳужжатларга эртага имзо чекилади. Шундан сўнг «Шанхай форуми» Шанхай ҳамкорлик ташкилотига айланади ва Ўзбекистон унинг асосчиларидан бири бўлади.

Бугун эса қўшма баёнот имзолангандан сўнг, олий даражадаги учрашув қатнашчилари эсдалик учун суратга туши. Шу ернинг ўзида президентларнинг тор доиралаги қисқача мулоқоти бўлиб ўтди.

Шундан сўнг ХХР Раиси Цзян Цзямин номидан юксак мартабали меҳмонлар шарафига қабул маросими уюштирилди.

Исрол Каримов саммит қатнашчилари қаторида Шанхай катта театрида бўлиб, махсус концерт дастурини томоша қилди.

Шанхай учрашувлари доирасидаги асосий расмий учрашувлар эртага бўлади. (ЎЗА).



Бағдод тумани машина-трактор паркиннинг илғор қобилияти Муроджон Хидиров бу йилги гапда мавсумида алоҳида фидоийлик кўрсатмоқда.

Тоҳиржон ХАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Хадича Сулаймонова номидаги республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази ходимларидан бир гуруҳини муқофотлаш тўғрисида

Республикада суд экспертизаси ривожига қўшаётган салмоқли ҳиссаси, жиноятларни фойда қилишга қаратилган янги экспертиза турларини ўзлаштиришдаги жонбозлиги, кўп йиллик самарали меҳнати ва ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги учун фахрий унвон берилсин:

муқофотлансин:
«Меҳнат шўхрати» ордени билан
Жаҳонравий Лидия Семёновна — Республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази илмий ходими

«Шўхрат» медали билан
Жўраев Аслам — Республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази Самарқанд бўлини маси мудир

Исмолов Турғун Хусанович — Республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази лаборатория мудир

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист»
Атаходжаев Сағдор Аблович — Республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази бошлиги

Замонавий фан ва техника ютуқларига таянган ҳолда, ўта мурракاب экспертиза турларини қўллаш орқали оғир жиноятларни фойда қилиш борасида эришилган муваффақиятлари, суд экспертизаси соҳасини такомиллаштириш йўлида қилган фидоикорона меҳнати ва ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги учун қуйидагилар

Ўзбекистон Республикаси Фохрий ёрлиги билан:
Ахмедова Лилия Шавкатовна — Республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази катта илмий ходими

Демина Таиса Максимовна — Республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази катта илмий ходими

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2001 йил 13 июн.

Криминалистика байрами

Бу йил Ўзбекистон Адлия вазирлигининг Хадича Сулаймонова номидаги республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази ташкил этилганга 50 йил тўғрисида.

Криминалистика марказида ўтказилган «Суд экспертизаси ютуқлари ва унинг ривожланиши тўғрисида» мавзусида идоралараро илмий-амалий анжуман айнан шу санга бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хадича Сулаймонова номидаги республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази ходимларидан бир гуруҳини муқофотлаш тўғрисида»ги Фармони ўқиб эшитилди.

Конференцияда марказ ходимларининг республиканинг барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидаги ҳамкаблари, криминалистика хизмати фахрийлари табриқланди.

1951 йилда криминалистика марказининг ташкил этилиши кўп жиҳатдан республика суд-эксперт хизматининг лойиҳа бўлишига асос солиди, деди адлия вазир А.Полдон-зода. Марказ Ўзбекистон ҳуқуқшунослиги ривожига катта ҳисса қўшган таниқли олимга Хадича Сулаймонова номи билан аталган ҳам беиз эмас.

Марказнинг ярим асрлик тарихи давомида унда ўлат иштироки билан криминалистика марказидаги тадқиқотларнинг ўзгариши, давлат бошқаруви тизимидаги ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини доимий равишда такомиллаштиришни талаб этди. Бу кўп жиҳатдан эксперт-криминалистика ишига ҳам болиқ. Бугунги кунда улар энг замонавий техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда юқори малакали экспертизалар ўтказмоқда.

Ўтган йили марказда инсон ДНК си суд-биология экспертизаси лабораторияси очилди. У Марказий Осиёда шу турдаги ягона муассасадир. Лабораториянинг замонавий ускуналари шахсини, оталик ва одамларнинг қариноши-нинг аниқлаш имконини беради. Пировардида, марказнинг энг замонавий эксперт тадқиқотлари мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари ишининг самардорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

(ЎЗА).

Олий Мажлисида

Амалий ёрдам зарур

Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси йиғилишида «Реклама тўғрисида»ги, «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонунларнинг Сурхондар вилоятида қандай ижро этилаётганлиги масаласи кўриб чиқилди. Уни қўмита раиси Ўткир Ҳошимов олиб борди.

Йиғилишда вилоятда мазкур қонунларнинг ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди. Чунинчи, «Реклама тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси бўйича вилоят идоралараро ишчи гуруҳи, ташқи рекламаларни тартибга солиш мақсадида эса «Ташқи реклама» агентлиги тузилиб, уларнинг асосий вазифалари белгилаб берилган.

2001 йилнинг дастлабки тўрт ойида вилоят маркази — Термиз шаҳрида 32 та, туманларда 129 та ташқи реклама ўрнатилган. Уларнинг 80 фоизи ижтимоий ахборот рекламаларидир. «Тасвирий ойна» уюшмасига оид реклама умумий рекламаларнинг 35 фоизини ташкил этди. Жумладан, Денёв, Жарқўрғон, Термиз каби туманларда ташқи реклама қўрилганлиги маъжуд.

Бугунги кунда Сурхондар вилотида 28 та газета чоп этиляпти. Шундан 3 таси вилоят ҳокимлигига, 14 таси туман ҳокимлигига қарашли матбуот нашрлари, 11 та нашр эса тармоқ газетаси ҳисобланади. Ушбу газеталарнинг умумий тиражи қарийб 50 миң нусخани ташкил этади.

Маърузачилар ва сўзга чиққанларнинг таъкидлашларича, мазкур қонунларнинг баҳарлиги борасида жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Вилоятнинг айрим ҳудудларида қонун талабларига эъл бўлган ташқи рекламалар жойлаштирилган. Вилоят телевидениесида, газеталарда реклама тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга етарли даражада амал қилмаслик ҳоллари маъжуд эканлиги ҳам аниқланди. Вилоят матбуот бошқармаси, аксарият туманларнинг раҳбарлари матбаачилар иши билан етарли даражада қизиқмаётган. Босма хоналарнинг техник жиҳозларини янгилашда қийиндан ёрдам кўрсатилмапти. Газеталарда таҳририй, танқидий мақолалар етарли эмас. Туман газеталарининг тиражи йилдан-йилга камайиб кетмоқда.

«Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонуннинг ижросини ўрганиш жараёнида айрим давлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар томонидан ахборот олишга монелик қилиш, танқидий чиқишларга вақтида жавоб бермаслик каби ҳолатлар ҳам учраяпти.

Йиғилишда қонунлар ижроси бўйича ишлаб чиқилган амалдаги чора-тадбирларни бугунги кун талаблари даражасида қайта кўриб чиқиш, реклама фаолиятини ёритишга, ҳалол рақобатни, реклама ижодкорларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган тадбирларни ташкил этиш, доимий равишда мониторинглар ўтказиш ва жисмоний шахсларнинг рекламага тааллуқли фаолиятига кўмаклашиш ва бу йўналишдаги фаолиятни тартибга солиш механизмни такомиллаштириш, матбуотда, радио ва телевидениеда ҳуқуқий билимларга оид жиддий мақолалар мунтазам ёритиб борилишига эришиш, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг шакли ва мазмунини бугунги кун талаблари даражасига кўтариш, журналистларнинг иш шaroитларини яхшилаш чораларини кўриш тавсия қилинди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Абдурауф САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов бошчилигидаги делегация АҚШда бўлиб, Давлат Котиб Колин Паулз ва Америка янги маъмуриятидаги бошқа расмий кишилар билан музокаралар ўтказди. Учрашувлар, шунингдек, АҚШ Миллий хавфсизлик кенгаши, Пентагон ва Конгрессга ҳам бўлиб ўтди.

Учрашувлар доирасида томонлар минтақавий хавфсизлик муаммолари бўйича фикр алмашиб, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги кун ва истиқболлари муҳокама қилинди. Музо-

Мамлакат делегациясининг АҚШга ташрифи

караларда халқаро терроризм ва наркотрафикка қарши кураш, хавфсизлик масалаларини ҳамкорликда ҳал этиш ҳамда атраф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларида халқаро кўрсаткичларни кенгайтириш зарурати таъкидланди.

Музокаралар низоҳида ҳар икки томон ташқи сиёсий идоралар раҳбарлари оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олишда ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган

«Жаҳон» АА.

КҮН ТАРТИБИДА:
ПАХТА УРУҒЧИЛИГИ МУАММОЛАРИ
Кеча Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ташаббуси билан «Пахта уруғчилиги индустрияси: таъриби ва муаммолар» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Т.Холтёев бошқарган мазкур анжуманда қишлоқ ҳўжалиги мутахассислари, олимлар, илмий тадқиқот марказлари раҳбарлари, пахта етиштиришга тааллуқли амалиётчилар иштирок этишти.

Маҳорат — ғалабанинг асоси

Олдин хабар қилганимиздек, пойтахтимиздаги «Динамо» теннис кўртларида Sapex WTA Tashkent open ағънавий олтинчи халқаро турнири баҳслари давом этмоқда. Муқофот жағмараси 140 миң АҚШ долларига тенг бўлган мазкур беллашув финалига яқинлашган сайин уйлар тобора шиддатли тус олмақда.

Муқофоларнинг кечаги кунин ҳам болалар теннис байрами билан бошланди. Марказий кортга ташриф

сетада Ироданинг яққол устунлиги сезилиб, 6/3 ҳисобида ғалаба қозонди. Иккинчи сетда эса Надежда ҳам анойи эмаслигини, муносиб қаршилик кўрсата олишини намойиш қилди. Шундай эсада маҳорат ботида рақибдан анча тажрибали бўлган теннисчи қизимиз 7/5 ҳисобида зафар кучида ва чорак финалга йўл олди.

Яна бир қизиқарли ўйин испаниялик Кристина Валеро ва Анико Капрос (Венгрия) ўртасида кечди. Мазкур баҳда икки сетда (6/3, 6/4) Кристинанинг қўли баланд келди.

Бугун чорак финал беллашувлари бўлиб ўтди.

О. РАЖАБОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Авесто» юбилейига тайёргарлик

меморий ёдгорлик мажмуи, фаворалар кирати. Ҳозиргача 300 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиди.

«Авесто» юбилейига тайёргарлик кўриш бўйича республика ташкилий қўмитаси аъзолари Бош вазири ўринбосарлари Ҳ.Кароматов ва А.Исаев бошчилигида юбилей ишшоотларига иштирок этиш борини билан таниди.

Таъкидландики, юбилей ишшоотлари нафақат меморий ўзига ҳослиги билан, балки юқори ижро сифати билан ажралиб туриши ларко. Бу борда маъмул республика идоралари мутахассисларига аниқ топшириқлар берилди.

Муҳокамада вилоят ҳокими И.Бобожонов иштирок этди.

Т.ШАМАКОВ,
ЎЗА мухбири.

«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» МИДИБУС — автобуснинг укаси

Бундан тўрт-беш йил муқаддам мамлакатимизда ташқи кўришни жозибали, кишини ўзига тортувчи бежирим автобуслар пайдо бўлиб, кўчаларимизга фойз бағишлаган эди. Ўшанда ҳамма бу автобуслар қаердан олиб келингани, қайси мамлакатда ишлаб чиқарилгани билан қизиққанди. Тўғриси, базиларимизнинг кўнглимиздан шундай автобусларни ишлаб чиқариш бизга насиб қилармикан, деган ният ҳам ўтганди.

Мана, ўшанда ҳам бир неча йил бўлди. Ҳаммамизнинг кўнглимизга ўтирган ва Туркиядан олиб келтирилган бу автобуслар маълум вақт ўтгач, ўзимизда ишлаб чиқарилиши кўпчилигининг ҳаёлига ҳам келмаган бўлса керак. Лекин халқимизда орзуга айб йўқ. Деган мақол бор. 1999 йили Самарқанд шаҳрида «СамКочАвто» ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ишга тузирилганлиги кечагидек эсимизда. Корхона ишчан ва чиройли автобуслар тайёрлаш бошлаганда орзуларимиз ўшалганга шукроналар айтдик. Шаҳар ичи ва шаҳарлараро йўналишларида мўлжалланган бу автобусларни чет мамлакатларда мидибуслар, деб аташар экан.

Мидибус — ўрта ҳажмлиги автобуслар демакдир. Ҳа-ҳа, қичик ҳажмлиги, яъни микроавтобуслар эмас, балки ўрта ҳажмлиги автобуслар. Қўшма корхона ўрта ҳажмлиги юк кўтарартиган (5 тоннагача) машиналар ҳам ишлаб чиқара болади.

Ҳозир кўчаларимизда ана шундай автобус ва юк машиналарини қўллаб учратиш мумкин.

Уларни кўриб «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» дея фахрланамиз. Шу вақтгача автобусларнинг «М23 9», «М23 12», «М24 9», «М23 12», «М24 9», «М23 9», «М23 12», «М24 9»...

Шу кунгача қўшма корхона конвейердан икки миңдан ортиқ мидибус ва юк машиналари тушди. Улардан республикамиз халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида самарали фойдаланилмоқда. Шунингдек, машиналаримизга чет мамлакатлардан ҳам буюртмалар тушяпти. Утган йили Россия Федерациясида «СамКочАвто» қўшма корхонасининг савдо уйи очилди ва 250 та мидибус сотилди. Яқинда яна 150 та мидибус жўнатилади. Йил охиригача ушбу мамлакатта ҳаммаси бўлиб 400 та мидибус сотиш режалашти-



рилган. Шунингдек, жорий йилда Қозғистон Республикасида ҳам қўшма корхонанинг савдо уйи очилди. Яқинда улар Россия машиналарига нисбатан бир қанча афзалликларга эга.

Шу кунгача қўшма корхона конвейердан икки миңдан ортиқ мидибус ва юк машиналари тушди. Улардан республикамиз халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида самарали фойдаланилмоқда. Шунингдек, машиналаримизга чет мамлакатлардан ҳам буюртмалар тушяпти. Утган йили Россия Федерациясида «СамКочАвто» қўшма корхонасининг савдо уйи очилди ва 250 та мидибус сотилди. Яқинда яна 150 та мидибус жўнатилади. Йил охиригача ушбу мамлакатта ҳаммаси бўлиб 400 та мидибус сотиш режалашти-

юртга берди. Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган «Автобуслик транспорт соҳасида монополиядан чиқариш ва бошқарушни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида «Узавтобус» корпорацияси туғатилиб, унинг таркибидagi корхоналар жойлардаги ҳокимликлар иштирокида ўтсин белгиланганди. Шу муносабат билан кейинги пайтда муқофотларимизга буюртмалар кўпайди.

Ҳ.ҲОСИЛОВ,
Нўрможон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Конституциявий суд мажлиси

2001 йил 12 июнда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 53, 54-моддалари билан 257-моддаси ўртасидаги номувофиқликни бартараф этиш тўғрисида таклиф киритиш ҳақида"ги масала кўриб чиқилди. Қабул қилинган қарорда таъкидланишича, Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 53-моддаси санитария қонун ҳужжатларини, санитария нормаларини, қондаларини ва гигиена нормативларини бузганлик учун мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ун бараваригача миқдорда жарима солишни белгилайди (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май Қонуни тахририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6 сон, 102-модда).

Кодекснинг 54-моддаси қарангилги ва инсон учун хавфи бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадига белгиланган мажбурий қондаларни бузганлик учун мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ун бараваридан ун беш бараваригача миқдорда жарима шаклидаги жавобгарликни назарда тутди. (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май Қонуни тахририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6 сон, 102-модда).

257-модданинг иккинчи қисмига мувофиқ кўйилган давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлар номидан мазмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тарихида мазмурий жазо чорасини қўлланишга ҳақидилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария вазири ва унинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг етти бараваригача миқдорда;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат санитария врачлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, туманларга бўлинган шаҳарларнинг бош давлат санитария врачлари ва сув транспортидаги дав-

злар бош давлат санитария врачлари — энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда;

туманларга бўлинмаган шаҳарларнинг, туманларнинг бош давлат санитария врачлари ҳамда сув транспортидаги портлар ва тармоқ участкаларининг бош давлат санитария врачлари — энг кам иш ҳақининг уч бараваригача миқдорда жарима солишти.

Шундай қилиб, 53, 54 моддаларда назарда тутилган жазолар 257-модданинг иккинчи қисмига мувофиқ эмас. Қарама-қаршиликлар шундан иборатки, амалиётда жарима солиш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари ҳамда унинг ўринбосарлари, 53, 54 моддаларда назарда тутилган жазоларни тўлиқ қўллаш олмайдилар. Шу муносабат билан ушбу номувофиқликларни бартараф этиш лозим.

Баён қилинганларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасига, "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Қонуннинг 10, 25, 26 ва 27-моддаларига асосан қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 53, 54-моддаларининг қондалари 257-моддасининг иккинчи қисмига номувофиқ деб топилсин.

2. Қонунчилик ташаббуси тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 53, 54-моддалари билан 257-моддасининг иккинчи қисми ўртасидаги номувофиқликни бартараф этиш тўғрисида таклиф киритилсин.

3. Давлат органларининг ҳуқуқни таъбиқ қилиш амалиётида бундан буён Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли ўзгаришлар киритишга ҳақдор бўлган ҳолатларда Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 53 ва 54-моддалари қондалари амал қилсин.

4. Ушбу қарор "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида чоп этилсин. (ЎЗА).



СУВ КЕЛДИ

Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг кўриқ ерлар ҳисобига экин майдонларини кенгайтириш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳақидаги ташаббуси кўпчилики ҳушуд этди. Ана шу эзгу ниятларни амалга ошириш учун вилоятда 13-қурилаётган қорхонадан бирлашган дирекцияси ташкил этилди. Айна чоғда чанқок ерларга сув чиқаришдек хайрли юмушлар қизгин бошланиб кетди. Қиска муддатларда вилоятнинг Шеробод, Қизирик, Музробот туманларида насослар ёрдамида кўриқ ерларга сув чиқарилиб, 8 минг гектардан зиёд майдон экинзорларга айлантирилди.

СУРАТЛАРДА: бирлашган дирекция бош директори, Олий Мажлис депутати Эркин Донаев Қизирик туманининг Ҳақим Эшонов номли ширкат ҳужалиги худудидаги Зағн канали насос станцияси электриги Бешбўри Диёрлов билан қилинган ишларни кўздан кечирмоқда.

Тоҳиржон ХАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Ўтганлар хотираси — муқаддас

Президентимизнинг "Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"ги Фармони билан бажариш юзасидан жойларда, айниқса, пойтахтимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Олишпер Навоий номидаги адабиёт музейида "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси ташаббуси билан "Қатагон қурбонлари хотираси" музейини очиб маса-

даларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

"Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармасининг раиси Наим Қаримов бошқарган ушбу йиғилишда мустақил-лигимизнинг илк кунларида ноқ мамлакатимизда неча минг йиллик қадриятларимиз ва аъёнларимизни тиклаш, буюк бобокалонларимиз бе-бахо ижодий меросидан хал-

қимизни баҳраманд этиш билан бирга, минглаб фидойи аждодларимиз хотирасини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Анжуманда иштирок этган қатагон қурбонлари авлодларидан бир гуруҳи неча йиллардан буён ўз хонадонларида муқаддас биллиб сақлаб келаётган тарихий ашёларни музей ташкилотчилирига топширди.

Маҳмуд СИРОЖЕВ, (ЎЗА).

Ҳамма — шанбаликка

САВОБ ИШДАН ЧЕТДА ҚОЛМАНТ

Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан республикамизда 1997 йилдан буён «Экология ва саломатлик кунлари» ўтказиб келинаёти. Экологик муаммоларнинг олдини олиш мақсадига бошланган бу хайрли тadbирга бутун мамлакат аҳли сафарбар.

Жорий йилда ана шу доирала «Саломатлик, гигиена ва экологик маданият ўн кунлиги» ташкил этилиши режалаштирилди. Унга асосан **16 июн, шанба кун республика бўйлаб экологик ҳашар уюштирилади.** Шанбаликда фаолият турлари ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қорхона ва ташкилотлар, меҳнатга лаёқатли аҳолининг тўлиқ иштироки кўзда тутилган.

Бундан тўшадиган бир кунлик маблағ ёки иш ҳақи (қорхона ва ташкилот жамоасининг розилиги билан) «Экология, оналик ва болалик» дастурига амалга ошириш ҳамда сувсизлик ва қургоччилик оқибатида жиддий қийинчиликларни бошдан кечираётган Оролбўйи аҳолисини ижтимоий-экологик ҳимоя қилиш мақсадларига сарфланади.

Эзуликнинг қатта-кичиги, яхши-ёмони бўлмайди. Ўзимиз учун, келажак авлод учун бир қилган ишмиз савабидир. Шундай экан, бу ишдан ҳеч ким четда қолмасин.

Истиқлол стратегияси

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар: НИЯТ ВА ИМКОНИЯТ

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг бош йўналиши индустриаллаштиришдир. Бу аграр индустриал иқтисодиётдан санаот устувор бўлган индустриал иқтисодиётга ўтиш демокдир. Санаот тармақларининг аста-секин ўсиб бориши келгусида иқтисодиётнинг ҳомаиш ишлаб чиқаришга йўналтирилганлигига барҳам беради.

Индустриаллаштириш билан бир вақтда қишлоқ ҳужалиғида ҳам чуқур таркибий ўзгаришлар юз беради. Жаҳон ва ички бозорлар конъюнктура-си ўзгаришига ва зоналар ихтисослашуви мувофиқ равишда экин майдонлари таркибий тузилиши оптималлаштирилади.

Қишлоқ ҳужалиғи экспорт салоҳиятини ривожлантириш стратегияси мақсулотлар ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, уларнинг сифатини ошириш, шунингдек, мақсулотларни қадқоқлашни яхшилаш тамойилларига асосланиш лозим. Бу келажакда қовун қоқи, кишичи, туршакларни, шунингдек, табиий мақсулотларни ишлаб чиқариш имконини ривожлантиради. Шу билан бирга уларни қондигер санаотида қўллаш ҳам кўпаяди.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва жаҳон иқтисодиёти ҳам-жамаиети билан интеграциялашувини таъминлаш учун транспорт ва коммуникация тармоқларини тарққий эттириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Республикаимизнинг жаҳон бозорларида чиқариш таъминлаш учун муқобил транспорт йўллари шабоҳчаларини яратиб мажбул бўлган 1-2 транзит ливиялари ўрнига 3-4 ливияларни яратиш зарур. Бу соҳалар устувор йўналишлардан бири темир йўлларнинг моддий техника базасини ривожлантириш ҳисобланади. Бунинг учун айрим магистрал йўллари электрлаштириш, янги-ларини қуриш асосида мамлакатимиз темир йўлларини бутунлай электрлаштириш амалга оширилади.

Экспорт-импорт таркибини такомиллаштириш иқтисодиёт таркибини ўзгариштириш билан узвий боғлиқдир. Шу сабабли республикамизда ишлаб чиқилган «Ўзбекистон иқтисодиётида 2010 йилгача мўлжалланган таркибий ўзгаришлар концепцияси»га мувофиқ экспорт-импорт таркибини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб қўйилган.

Мамлакат иқтисодиётининг худудий таркибида ҳам муҳим ўзгаришлар қилиш зарурати мавжуд. Бунга сабаб ишлаб чиқарувчи кучларнинг номуносаб жойлаштирилиши туфайли худудларнинг

Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳарида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов давом этмоқда. Сайловда фуқаролар ҳар қачонгилан фаол қатнашаётганини алоҳида таъкидламоқ керак. Шу кунгача сайланган 7 ярим миңдан ортиқ маҳалла оқсоқоли ва қишлоқ фуқаролар йиғини раисига овоз бериш учун 7 миллиондан кўпроқ фуқаро иштирок этгани ва сайлов муносабати билан бўлиб ўтган тадбирларда 80 миңга яқин киши бевосита сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини очиб-ойдин баён этгани бунинг яққол далилидир.

Сайлов муқобили асосида, камида 2 нафар номзодни овозга қўйиш йўли билан ўтмоқда.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раёсатининг кенгайтирилган мажлисида ана шу ҳақда гап бори. Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси раиси Ш. Жалилов бош-

МУНОСИБЛАР САЙЛАНАДИ

қаргон мазкур йиғилишда сайлов жараёнида юз бераётган камчилик ва муаммолар ҳам атрофида таҳлил этилди. Жумладан, айрим жойларда маҳалла-қўйда етарли оғру эътиборга эга бўлмаган, номуносиб кишилар оқсоқоликка "ўтказишга" уринишлар бўлаётган ҳоллар ҳам учраб турганлиги таъкидланди. Ана шундай ҳолатлар жойларда

сайлов ўтказишга масъул бўлган ишчи гуруҳларининг йўл қўйган хато-камчиликлари сабабли биргина Тошкент шаҳридаги 8 та маҳалла овозга қўйилган номзод сайланмай қолди.

Шунингдек, йиғилишда ўтган йил жамғарма ташаббуси билан бошланган маҳаллалар ўсмирлари ўртасидаги "Футболимиз келажак"и" Ўзбекистон кубоги турнирини янада уюшқоқлик билан ўтказиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Улайиб келаятган авлоднинг руҳига жўшқинлик, жисмига саломатлик бахш этувчи ушбу тadbирни ўтказишда маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари жонқошиқ кўрсатиши заруриятига эътибор қаратилди.

Баҳор ХИДИРОВА, (ЎЗА).

Манфратли ҳамкорлик

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акционерлик компаниясида Ўзбекистон-Германия иқтисодий анжумани доирасида ишчи гуруҳнинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Фаргона водийси ва Тошкент вилояти ўртасидаги муқобил транспорт йўллари масалалари муҳокама этилди.

Ўзбекистон томони Ангрен ва Поп шаҳарларида суяқ оқларни сақлаш учун терминаллар қуриш ва фойдаланишга топширишни ақкулани ва уларни автомобил транспортида ташин ташки қилинган таъминот учун қабул қилинди.

Ангрен ва Поп шаҳарлари ўртасида темир йўл қуриш масаласи муҳокама қилинди.

Транспорт, телекоммуникация ва қуриш соҳаларида ҳамкорликни давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари А.Исаев қатнашди. (ЎЗА).

Кўчма семинар-кенгаш

Жиззахда Республика қурувчиларининг қапитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларнинг боришини ўрганиш юзасидан кўчма семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Семинар-кенгашда Республика Вазирлар Маҳкамаси, Республика Давлат қурилиш қўмитаси, Макронқи-содиёт ва статистика вазирлиги, Республика Тендер бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Ҳуқуқий Кенгаши маъсул ходимлари, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳоким-ларининг қурилиш масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, йирик қури-лиш, лойиҳалаштириш бошқармалари мута-хассислари иштирок этишди.

Тадбир иштирокчилари вилоятда қапитал қурилиш соҳасида тулланган тажриба, илгор усуллар билан танишдилар. Ечимини қутаётган муаммолар хусусида атрофида фикр юритилди.

Семинар-кенгаш ишида вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Баҳриддин САТҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Банк — иқтисодиёт таянчи



"Тадбиркор" банкнинг Жиззах вилояти бошқармаси бугунги кунда тадбиркорларнинг ҳақиқий мададқорига айланган. Берилаятган кредитлар ҳисоби-га сифатли, беҳирим товарлар ва қишлоқ ҳужалиғи мақсулотлари ишлаб чиқаришмоқда. Шунингдек, турли соҳаларда аҳолига намунали хизмат кўрсатилаётти.

Жиззахлик стоматолог Исомиддин Турсунов бундан беш йил муқаддам "Қамола" хусусий тиббиёт фирмасини очиб, аҳолига тиш даволаш ва бошқа бир неча турдаги тиббий хизматлар кўрсатишни йўлга қўйди. Малакали шифокорларнинг муолажалари кўпчиликам манзур бўлди.

Исомиддин Турсунов анчадан бери фирма фаолиятини кенгайтириб, урология маркази очиб тўғрисида ҳам ўйлаб юрарди. Бундан икки йил аввал бу ишга жиддий киришди. Лекин маблағ масаласида биров қўйналди. Урология маркази учун алоҳида бино ва зарур тиббиёт асбоб-ускуналари сотиб олиш керак эди. Шунда Турсунов банкдан кредит олишга қарор қилди. Бизнес-режа билан "Тадбиркор" банкнинг Жиззах шаҳар бўлими-га мурожаат қилди. Унга 3

миллион 627,5 миң сўм ажратилди. Олинган маблағ зарур асбоб-ускуналар сотиб олинди.

